

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



Tashkent 2019
ASIAN ROAD CYCLING CHAMPIONSHIPS | 23-28 APRIL 2019



Осиё чемпионати: ТОШКЕНТДАН ТОКИО САРИ

Бўстонлик туманида велоспортнинг шоссе йўналиши бўйича Осиё чемпионатининг очилиш маросими ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси, мамлакат велосипед спорти федерацияси раиси Т. Норбоева, Тошкент вилояти ҳокими Ф. Ибрагимов, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт вазири Д. Набиев ва бошқалар мамлакатимизда спорт соҳасини янада ривожлантириш, истеъдодли спортчиларни камол топтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани, натижада нуфузли халқаро турнирлар, жаҳон чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинларида спортчиларимиз юқори натижаларни қўлга киритаётганини таъкидлади. Шунингдек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини юксалтириш, улар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳоли ўртасида Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган велоспорти янада оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қўйд этилди.

Равшан МИРЗАҚУЛОВ,
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар



Шеърӣй лаҳза



Китоб карвони

Куйдан ҳам ёқимли эшитилар бонг,
Қачонки, вақтида чалинган оғни.
Ўзал тонг — дилларни ёритувчи тонг,
Бундан ариғайдир тундир армони.
Шуьландан ёришар зулмат осмони
Сен ҳикмат қўёши, китоб карвони!

Қандай ажиб, қандай хушрӯй манзара,
Асарлар жамланган энг сара-сара.
Мутолаа завқи, тафаккур ҳисси,
Бир дилдан дилларга кўчмоқда, қара.
Келди маърифатнинг давру даврони,
Сен элининг бардоши, китоб карвони!

Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим,
Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим,
Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим,
Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим.
Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим,
Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим.

Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим,
Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим,
Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим,
Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим.
Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим,
Ўзлар ташигувчи қарвонлар кўрдим.

Ботиржон ЭРГАШЕВ

Сидқий Хондақлиқий 135 ёшда

«Жоним Ватан...»

Жаннатмонанд Бўстонлик кўлаб алломалар, пиру устозлар, илм, маърифат, адабиёт намоёндаларига бешик бўлган табарруқ заминдир. Атоқли шоир, хаттот ва таржимон Сирожиддин Маҳдум Мирзоҳидохунд ўғли Сидқий мана шу бўстон бағрида камол топган барҳаёт аждодларимиздан биридир. У 1884 йили туманининг сўлим Хондақлик қишлоғида туғилган, унинг номига Хондақлиқий нисбининг берилиши ана шундан.

Кўни кеча аллома туғилиб ўсган қишлоқ юртимиз маънавият ва маърифат, адабиёт ва санъат намоёндалари, шоир ихлосмандлари ва китобсеварлар билан гавжум бўлди. Бу ерда вилоят ҳокимлиги ва Ёзувчилар уюшмаси томонидан шоир ва таржимон таваллудининг 135 йиллиги муносабати билан маърифий хотира кечаси ташкил этилди.

Анжуманда сўзга чиққан таниқли адабиётшунослар Иброҳим Фафуров, Наим Ка-

римов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, бўстонлик тумани ҳоқими Файрат Мадаминов ва бошқалар шу табарруқ замин фарзанди бўлган буюк алломанинг бой маънавий мероси ва унинг ёш авлодни Ватанга садоқат, эл-юртга муҳаббат каби юксак инсоний туйғу ва фазилатлар руҳида тарбиялашдаги бекиёс ўрни хусусида тўхталдилар. Шоир ижодида намуналар ўқилди.

3



Муносабат

Жорий йилнинг 18-21 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифига биноан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин мамлакатимизга давлат ташрифини амалга оширди. Ўзоқ йиллар давомида синовдан ўтган давлатлараро муносабатлардаги олий даражадаги мазкур учрашув ҳамкорлигимиз учун муҳим аҳамият касб этди.

БАРДАВОМ ҲАМКОРЛИК

Давлат ташрифи доирасида жуда кўп учрашув ва мулоқотлар бўлди. Жумладан, "Ўзэкспомарказ"даги форумда икки мамлакат иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, етакчи ишбилармонлари иштирок этишди. Корея Республикасининг 150 та компания ва ташкилотидан 350 дан ортиқ вакиллар қатнашган бу йирик форумда, компания ва ташкилотлар ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Корея Республикасининг Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сўзлаган нутқида: "Мен Ўзбекистонга келаётганимда бир кунни ёдга олдим. У қадимий кореёс давлати элчилари Самарқандга келган кундир. Отага ёки туяга миниб, дам олмасдан, машаққат чекиб келишларига икки ойча вақт кетгандир? Баланг тоғ тизмалари, адирлар ва чўллардан ўтиб, қор ва ёмғирда қолиб, баъзида жазира ва совуқ билан курашиб, ўзоқ вақт сарфлаган бўлсалар керак. Бугун, сиз, азизлар каби 1 минг 400 йил олдин Ўзбекистоннинг қадимий халқи ҳам узокдан келган меҳмонларни илиқ кутиб олган. Мустақкам дўстлик ва ишонч Афросиёбнинг гарбий деворидаги суратда ўз аксини топган. Гарчи Корея ва Ўзбекистон бир-биридан узокда бўлса ҳам қадимий кореёс давлати даврдан бошлаб, элчилар келиб кетадиган дўст давлатлар бўлган", деган сўзларни айтди.

2

ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК

МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Чирчиқ шаҳридаги Нодир металллар ва қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида Илмий-технологик марказ очилди.

Юксалиш

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти, Жанубий Кореянинг саноат технология институт масъуллари, икки давлат-

нинг тоғ-кон йўналиши бўйича етук олим ва мутахассислари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Марказ очилиши аввало икки давлат олим ва мутахассислари иштироки-



да нодир металллар қазиб олиш бўйича III халқаро анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, жумладан, тоғ-кон саноати соҳасида мустақкам алоқа ўрнатилиб, ҳамкорлик доирасида қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда икки давлат мутахассислари ўртасида нодир ва қаттиқ қотишмалар металллар қазиб олиш, маъданларни тадқиқ қилиш, бойитиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ҳамкорликка 2016 йилда

Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда асос солинган эди. Нодир ва қаттиқ қотишмалар металлларни тадқиқ қилиш бўйича ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида нодир металллар ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув — Меморандуми имзоланган эди.

Орадан бир йил ўтиб, Жанубий Кореялик мутахассис ва олимлар "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ тармоқларида нодир металллар ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

Давоми 2-бетда



Ҳоким минбари

Тошкент тумани қадимдан чўп суқса, гиёҳ бўлиб унайдиган заминни, миришкор боғбону дехқонлари, ишбилармон тадбиркорлари, юксак маънавиятли зиёлилари, юртимиз байроғини кўкларга кўтардиган омадли спортчилари билан машҳур. Юз-кўзида турмушдан мамнунлик ифодаси зоҳир дуоғўй отахону онахонлар, нурафшон келажаги учун бугунданок мустақкам пойдевор кураётган шижоатли ёшларни кўриб, ҳаётдан рози бўлиб яшаш бахти қандай тоғли туйғу эканини англаш мумкин.

Президентимизнинг "Худудларни жадал ижтимоий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида туманимизда кенг қамровли ишлар амалга оширил-

БИЗДАН ЯХШИ НОМ, ЭЗГУ ИШ ҚОЛСИН

моқда. Аҳолининг турмуш шароитини тубдан яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар изчиллиги ва ҳаётбахшлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган 4 та сектор фаолиятининг бош мезони ҳам одамларни бугунги кундан рози қилиш, эртанги нурили истиқболга бўлган ишончни мустақкамлаш асосига қурилган.

Раҳбарлигимиздаги 1-сектор таркибига туманининг "Қизғалдоқ", "Масалбой", "Чувалачи" ва "Қўктерак" массивлари киритилган бўлса-да, дастлаб ишни туман аҳолиси турмуш шароитини чўқур ўрганиб, муаммоларини аниқлашдан бошладим. Ҳаётдаги шиорим: одамлар дардини эши-



тишдан кўрқмаслик, уларга ёлғон ваъдалар бермаслик ва дилдан суҳбатлашиш орқали нафақат кишилар кўнглига йўл, балки муаммоларга ечим топиш мумкин. Кимнинг қандай ташвиши бор, турмуш шароити қанақа, ким нимадан норо-

зи — барчаси кундек равшанлашди. Урганишлар жараёнида аниқланган камчиликларнинг аксарияти жойида ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар.

Туманинг аксарият маҳаллаларида ичимлик суви таъминотида узиллишлар йўқ. Бироқ, баъзи жойларга ичимлик суви график асосида берилади. Ушбу масалага ечим топиш мақсадидаги саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштириш ҳисобига Қибрай туманида қурилиши бошланган катта станция орқали яқин 3 йил ичида Тошкент, Янгийўл ва Чиноз туманлари ичимлик суви билан 100 фоизга таъминланадиган бўлди.

Сектордаги фаолиятимдан келиб чиқиб шуни айта оламкин, ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири муҳтарам Президентимизнинг мамлакат тараққиёти йўлида юритаётган сиёсатини аҳолига содда, тушунарли тилда етказиш, унда назарда тутилган кенг қамровли чора-тадбирларни оддий қишлоқ одамлари ҳаёти, турмушида тўла-тўқис акс эттиришга эришишдир. Аҳоли сектор раҳбарини яқиндан танисагина, унга ўзини қийнаётган муаммоларни айта олади. Сектор раҳбарлари жойларга чиқиб, халқ билан мулоқот ўтказётгани ижобий натижа бермоқда. Сабаби, аксарият муаммолар аҳоли билан биргаликда ҳал этса бўладиган ишларнинг йиғилиб қолишидан келиб чиқади.

Давоми 2-бетда

Бу ҳақда вилоят «Ҳокимлик соати»да гапирилган эди

Давлатимиз раҳбари ўтган йил 20 апрелда "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони имзолаган эди. Мазкур ҳужжатга кўра, бир марталик умумдавлат акцияси доирасида жорий йилнинг 1 майига қадар кўчмас мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқини эътироф этилади. Бу борада туман (шаҳар) комиссияларига билдирилган ишонч оқландими, деган саволга жавоб беришга ниҳоятда саноқли кунлар қолди...

ИШОНЧ ОҚЛАНДИ(А)ДИМИ?

Таъкидлаш жоизки, бу акцияни эълон қилинишида ташаббускорлардан биринчиси Адлия вазирлиги бўлганлиги бежиз эмас. Сабаби, тураржойларга нисбатан эгаллик ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиб олиб, ижрочиларга юбориш ҳамда натижасига кўра, ариза муаллифига ҳоким қарорини тақдим этиш Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Давлат хизматлари агентлигининг куйи тизимларига, хусусан, туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказларига юқлатилган.

Шу муносабат билан Давлат хизматлари агентлиги томонидан махсус гуруҳлар тузилди. Фуқаро-

лар, ўзбошимчилик билан қурилган иморат эгаларига шу уйларида нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишда амалий ёрдам бериш мақсадида тузилган гуруҳлар жойларга чиқиб, рейдлар ўтказди.

Натижада, кейинги кунларда ўртача 1 минг 200 га яқин ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақида туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари чиқарилмоқда.

Амалга оширилаётган бу сай-ҳаракатлар сабаб 15 апрель кунги ҳолатига Янгийўл шаҳрида 53,8 фоиз, Оққўрғон туманида 49,7 фоиз, Бекобод шаҳрида 49 фоиз аризалар бўйича ўзбошимчилик

билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақида туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари чиқарилиши таъминланган.

Ушбу шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил қилиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари аъзоларига келиб тушган аризалар "Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгиланган муддат, яъни 5 календарь кундан ҳам

қисқа муддатларда тезкорлик билан кўриб чиқилиши таъминланётгани эса таҳсинга лойиқ.

Бироқ, ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақида чиқарилаётган ҳокимлар қарорларининг салмоғи Бўқа, Тошкент, Ўрта Чирчиқ, Зангиота, Янгийўл, Юқори Чирчиқ ва Пискент туманларида анча паст.

Ўрганиш натижаларига кўра, ижобий ҳулосалар берилган аризаларга нисбатан чиқарилган ҳокимларнинг қарорлари 21,89 фоизни ташкил этади, холос.

Вилоят бўйича 15 апрель ҳолатига кўриб чиқилаётган аризалар сони 81 минг 600 дан ортиқлиги ҳисобга олинса, кунига ўртача 5 минг 500 га яқин аризаларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш лозим бўлади. Айниқса, юқорида тилга олинган туманлардаги махсус комиссиялар аъзолари бу вазифага масъулият билан ёндашиб, жиддий киришмасалар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беришларига тўғри келади.

Умурзоқли БЕРДИЕВ,
Давлат хизматлари агентлиги
вилоят бошқармаси
бош маслаҳатчиси

Хафтанинг ҳар жумаси туман ҳокимлигида фуқароларни қабул қилиш кунини эътиборга олинган. Дастлаб, қабул кунлари мурожаат қилувчилар юз нафардан ортиб кетарди. Сектор раҳбарлари маҳаллаларга чиқиб, аҳоли муаммоларини ўрганиши, ҳал этиш чораларини кўриши натижасида шикоятларнинг аксарияти барҳам топди.

Туманда чиқиндиларни ташиб кетиш масаласи йиллар давомида ҳал этилмаётган муаммолардан эди. Ўтган чоракда "Тошкент ободон" МЧЖ билан ўзаро шартнома имзоланиб, 20 та янги машина қатновий йўлга қўйилган, муаммо ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлди. Эндиликда туманда чиқиндиларни қайта ишлаш заводи қуриши режалаштирилган.

Маълумки, "Обод кишлок" дастури аҳолининг турмуш тарзи ва маданиятини тубдан яхшилаш, ижтимоий соҳалардан тортиб, тадбиркорликни кенг ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо этишга йўналтирилгани билан аҳамиятлidir. Бу йил "Гултепа", "Тинчлик" ва "Оқтом" аҳоли пунктларини "Обод кишлок" дастурига киритганимиз. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан 50 миллиард сўмдан кўп маблағ ажратилаётганининг ўзи маҳаллалар келажақда қандай қилинишига эга бўлишидан дарак беради. Ажратилган маблағлар эвазига мактаб, боғча, ҚВПларни мукамал таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш кўзда тутилган. "Оқтом" маҳалласидаги 30-мактабни капитал таъмирлаш учун 1 миллиард 450 миллион сўм, 5-мактабга 120 ўринли қўшимча бино қурилиши учун 1 миллиард 71 миллион сўм маблағ ажратилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларга ҳамда яратиб берилаётган имкониятларга асосланиб, шу кунларда катта миқдорда чет эл инвестицияси киритиш устида ишляяпми, режадаги лойиҳаларимиз амалга ошиш арафасида. Биргина мисол: Келес ҳудуддаги 4- "Кўчас" райдаги 22- ҳамда Ҳасанбойдаги 35-мактабга таълим муассасалари қурилиши ва реконструкцияси учун 13 миллиард сўмдан зиёд инвестиция жалб этилмоқда.

Туманимизга чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш иқтисодий юксалиш, бандлик, фаровонлик қилиш бўйича ҳизмат қилади. Шу мақсадда, 2019-2020 йиллар давомида жами қиймати 32 миллион АҚШ доллари бўлган 9 та йирик лойиҳа бўйича Хитой, Жанубий Ко-

рея, Туркия давлатлари билан ўзаро ҳамкорликни бошлаб юбордик. Инвестиция жалб қилиш ҳисобига 975 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Жорий йил якунига қадар 18,6 млн. долларлик, яъни режалаштирилган маблағнинг 58,1 фоизи ўзлаштирилиши ҳисобига, 5 та лойиҳа тўла қувват билан ишга туширилиб, 325 та янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, туманга кираверишда замонавий типдаги кўп қаватли тураржой бинолари қурилиши учун Хитой инвесторлари билан ўзаро келишувни имзолади.

БИЗДАН ЯХШИ НОМ, ЭЗГУ ИШ ҚОЛСИН

Сай-ҳаракатларимизнинг узвий бир йўналиши, албатта, бандлик масаласидир. Йил бошидан буён бандликка кўмаклашиш марказимизга 500 га яқин фуқаро иш сўраб мурожаат қилган. Шундан 233 фуқаро доимий ишга жойлаштирилиб, 149 нафар ишсиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларида жалб этилди, 75 нафар ёш касбага тайёрлашга юборилиб, керакли маслаҳатлар берилди. Ишсизлик масаласи ҳеч бири-мизга тинчлик бермаслиги керак. Чунки, ўғрилиқ, безорилиқ каби иллатлар, жиноятларнинг туб илдини бекорчилик, ишсизликдан томир отади. Жойларда меҳнат ярмаркаларини бир пайлардагидек, номига, қозғоларда акс этиши учун эмас, балки ҳақиқатан одамларнинг мушқулини осон қилиш, уларни иш билан таъминлаш имкониятларини ошириш мақсадида ташкил этаёпмиз.

Туманимизда саноат, кишлок ҳўжалиги ва ҳизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича аниқ режа ва мақсадларимиз бор. Таълим соҳасини ривожлантириш, ёшларни китобхонликка жалб этиш борасида ҳам тизимли ишларни амалга оширмоқдамиз. Жойларда китоб акциялари давом этмоқда. Токи, ўғил-қизларимиз маънавиятли бўлиб вояга етсин. Уларга ўқиб-ўрганиш, ҳалол меҳнат ортидан юксак марраларга эришиш мумкинлигини уқтиришимиз керак.

Асосий вазифамиз, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш. Эеро, юртини севган одам ўзи яшаб турган ҳудудни ривожлантириш дарду ташвиши билан бўлади.

Ақбар СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент тумани ҳокими

Демак, икки халқ ўртасидаги минг йиллар синовидан ўтган ўзаро ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бораверади. Бу ҳақда Корея Президенти, жумладан, шундай деди: "Мен Кореянинг Сеул шаҳри темирйўли орқали Евроосиё қитъасини босиб ўтиб, Тошкент вокзалида тушишни орзу қиламан. Икки мамлакатнинг тарихий давлатлари Буюк Ипак йўли орқали алоқа қилишгани каби XXI асрнинг Темир Ипак йўли бўлиши темирйўли орқали икки давлат боғлашиб, икки томоннинг манфаатли ривожланишини хошлайман.

БАРДАВОМ ҲАМКОРЛИК

Океанга икки давлат орқали чиқадиган Ўзбекистон халқи ер қурра-сида энг катта ҳисобланмиш Тинч океанига чиқиши, маҳаллий корейс аҳолиси эса ўзининг она Ватани – Корея билан келажагини боғлаши мумкин. Темирйўл орқали икки давлатнинг учрашиши Марказий Осиё ва Тинч океани минтақасининг кесилуви тараққиётдаги янги орзудир".

Дарҳақиқат, бугунга келиб, икки мамлакат ўртасидаги савдо айланиши энг юқори кўрсаткич – 2,1 миллиард долларни ташкил этди. Хозирда 600 дан ортиқ корейс компанияларининг Ўзбекистонда фаолият юритаётгани алоқалар ва инвестицияларнинг давомий тарзда кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Олий мартабали меҳмон Мун Чжэ Иннинг: "Ўзбекистоннинг тараққиёти – Кореянинг тараққиётидир. Корея иқтисодий ривожланиш тажрибасини, албатта, Ўзбекистон билан ўртоқлашади. Икки мамлакат алоқалари инновация ва тараққиёт билан рўёбга чиқади. Биз, бир-биримизнинг деярли-деярли янги ҳамкорлигининг тарихини чизамиз. Бизнинг авлодларимизга икки мамлакатнинг қардошлиқ муносабати абадий мерос бўлиб қолади", деган сўзлари Ўзбекистон ва Корея давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, бардавом бўлишидан дарак беради.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
Ўзбекистон ХДП
вилоят кенгаши
раиси

ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК МАРКАЗ ОЧИЛДИ

"Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ Чирчиқ шаҳридаги филиалида ўтказилган халқаро семинар нодир металл соҳаси бўйича икки давлат ўртасидаги ҳамкорлигининг мантиқий давоми бўлди. Мулоқотда "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖнинг нодир ва қаттиқ қотишмалари металлургия ишлаб чиқариш бўйича бирлашмасининг илмий технологик марказини ривожлантиришнинг мақсад ва истиқболлари белгиланган.

Халқаро анжуман доирасида "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ-

нинг илмий-технологик маркази тантанали равишда очилди.

Марказ юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, унда минерал хом ашёларни тадқиқ қилиш ва бойитиш, юқори соф металлургия ўрганиш, нанотехнология, композит ва илғор материаллар, қаттиқ қотишмалар, материаллар таркиби ва хусусиятларини ўрганиш каби лабораториялар, шунингдек, илмий тадқиқотларни амалда синавдан ўтказиш учун экспериментал саноат устaxonаси фаолият юритади.

– Ушбу илмий-технологик марказ Марказий



Осиёда ягона ҳисобланади, – дейди нанотехнология, композит ва илғор материаллар лабораторияси мудири, профессор А. Обидов. – Шунинг билан бир қаторда, нодир металлургия тадқиқ қилиш бўйича дунёдаги энг яхши марказлардан биридир. Илмий-технологик марказ махсус рақобатбардошлигини ошириш, қўшимча махсуслаш ишлаб чиқариш ва сифатини яхшилаш каби

мақсадларга хизмат қилади.

Халқаро анжуманда икки давлат саноат соҳасининг фан арбоблари, етакчи мутахассислари томонидан мамлакатимизда тоғ-кон саноатини ривожлантириш, бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ 40 дан ортиқ тақдиротлар ўтказилди. 20 дан ортиқ маърузалар тингланди.

А. ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА

Брифинг

Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишонч-ни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юртимизда суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ва одил судловни амалга оширишда муҳим дастуриямал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда аҳолининг суд ҳокимиятига ишончини ошириш мақсадида судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш учун суд раислари томонидан ҳар чоракда брифинглар ўтказиш вазифаси белгиланган эди.

СУД РАИСЛАРИ АХБОРОТ БЕРДИ

Дилшод ТОЖИБОЕВ,

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси:

– Жорий йилнинг биринчи чораги давомида 1 минг 380 нафар шахсга нисбатан 1 минг 51 та жиноят иши кўриб чиқилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлар сони 467 тага ёки 30,8 фоизга камайганидан далолат. Шулардан 1 минг 130 нафар шахсга нисбатан 820 та жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилган бўлиб, 247 нафар шахсга нисбатан 228 та жиноят иши тугатилди. 226 нафар шахсга нисбатан 211 та иш тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилди. Шунингдек, 12 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми ва ажримлари чиқарилди.

Жиноят ишларини судда қўришда тегишли жамоат ташкилотлари вакиллари иштироки таъминланиб, улар томонидан билдирилган қафил-лик хатлари асосида 44 нафар шахсга нисбатан оқловдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Судланувчи шахсларнинг 130 нафарини ёки 9,4 фоизини аёллар ташкил қилиб, улар 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 54 нафарга ёки 29,3 фоизга камайган.

Шунингдек, уларнинг 581 нафарини ёки 42,1 фоизини ёшлар ташкил этган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 233 нафарга ёки 28,6 фоизга камдир.

Жиноят оқибатида етказилган 54,2 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарни қоплаган 82 нафар шахсга нисбатан оқловдан қечлаш ва оқловдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. 97 нафар шахс суд залида қамолдан озод қилинди.

Бундан ташқари, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизими билан жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизими интеграция қилинмоқда.

Эндиликда давлат ижрочилирига ижро ҳужжатларини электрон қўриқчида юборилиши синовдан ўтказиш тугалланган, ижро ҳужжатларининг фақат электрон шаклда юборилиши йўлга қўйилади.

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси:

– Ўтган уч ой давомида Фуқаролик ишлари бўйича вилоят, шаҳар, туман судлари томонидан жами 4 минг 928 та фуқаролик ишларини қамраб олиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 минг 214 тага ёки 20 фоизга камайган. Туманлараро судлар томонидан кўриб чиқилган фуқаролик ишларининг 4 минг 120 таси бўйича ҳал қилув қарорлари қабул қилинган. Шундан 3 минг 454 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган бўлса, 666 таси бўйича даъво талабларини қаноатлантириш рад қилинган. 284 та фуқаролик иш бўйича иш юритиш тугатилган ва 524 та фуқаролик иш бўйича даъво аризалари кўрмасдан қолдирилган.

Шу даврда вилоят суди кассация инстанциясида жами 230 та иш кўрилиб, шундан 43 та ҳал қилув қарори бекор қилинди. Суд қарорларининг 17 таси ўзгартирилди.

Биринчи инстанция судлари томонидан ишларни сайёр суд мажлисларида қўриш ҳамда алоҳида эътибор қаратилди ва сайёр суд мажлислари сони умумий қўрилган ишларга нисбатан 35 фоизни ташкил этди. Бу эса 1 минг 734 та иш сайёр суд мажлисларида қўрилганини аңглатади.

Мурод АБАБАКИРОВ,

вилоят Маъмурий суди раиси:

– Вилотимизнинг туман (шаҳар) маъмурий судлари томонидан жорий йилнинг биринчи чораги давомида жами 8 минг 550 нафар шахсга нисбатан 7 минг 307 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш биринчи босқичда кўриб қамолланган.

Тахлилларга кўра, вилотимизнинг туман (шаҳар) судлари томонидан қўрилган маъмурий ишлар сони жорий йилда 868 тага ёки 10 фоизга камайган.

Маъмурий судларга 4 минг 910

нафар шахсга нисбатан 3 минг 801 та иш ИИБдан, 587 нафар шахсга нисбатан 531 та иш прокуратура органларидан, 1 минг 272 нафар шахсга нисбатан 1 минг 203 та иш солиқ органларидан, 2 минг 383 нафар шахсга нисбатан 2 минг 332 та иш боғхона идораларидан, шунингдек, қолгани бошқа тизимлардан келиб тушган.

Кўриб чиқилган ишлар бўйича 4 минг 352 нафар шахсга нисбатан 4.178 млрд. сўмлик жарима, 163 нафар шахсга нисбатан махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш, 731 нафар шахсга нисбатан маъмурий қамол, 34 нафар шахснинг республика ҳудудидан маъмурий тарзда

чиқариб юбориш каби жазолар тайинланган.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилотимизнинг маъмурий судлари томонидан жазо амалиётини қўллашда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш амалиёти кескин камайган бўлса, маъмурий қамолқо олиш эса кўпайган.

Ўтган чорак давомида жами ишларнинг 3 минг 482 таси ёки 41 фоизи сайёр тартибда кўриб чиқилди.

Вилотимизнинг туман (шаҳар) судлари томонидан қўрилган ишлар тахлили ўтган йилнинг шу даврига нисбатан айрим тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар,

масалан, тўхмат, ҳақорат қилиш, майда безорилиқ кўпайганини кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида автотранспорт билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони сезиларли даражада камайган.

Шунингдек, маъмурий судлар томонидан 23 нафар вояга етмаган шахсларга нисбатан 21 та иш кўрилди. 13 нафар шахсга нисбатан 9 млн. сўмлик жарима жазоси, 9 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган ишлар тугатилди.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Абдусалим МАҲМУДОВ
ёзиб олди.



Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Халқаро велосипедчилар иттифоқи (UCI), Осиё велоспорт конфедерацияси (ACC) ҳамда мамлакатимиз велоспорт федерацияси томонидан ташкил

шахрининг марказий кўчалари ҳамда Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг Тошкент – Чимён – Сижжак йўли йўналиши бўйлаб ўтказилади.

– Мамлакатингизда ўтказилаётган Осиё чемпионати ҳар жиҳатдан юксак савияда ташкил

Осиё чемпионати: ТОШКЕНТДАН ТОКИО САРИ

этилган ушбу мусобақада ўсмирлар, катталар ва паралимпиячилар ўзаро рақобатлашмоқда. Унда Хитой, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон, Вьетнам, Гонконг, Малайзия, Филиппин, Таиланд, Мўғулистон, БАА, Иордания, Эрон, Саудия Арабистони, Яман ва Ливан каби 40 га яқин мамлакатдан келган 500 нафардан ортиқ велопойгачи иштирок этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Осиё чемпионатида эркаклар ва аёллар 2020 йилда Токиода бўладиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун ҳам ўзаро рақобатлашади. Бу эса улар ўртасидаги баҳслар шиддатли ўтишидан далолатдир.


Осиё чемпионати Тошкент

◀◀ Бошланғич 1-бета



этилган, – дейди Осиё велоспорт конфедерацияси (ACC) раиси Осама Аҳмад Ал-Шафар. – Мусобақани кузатар эканман, Ўзбекистонда иқтидорли спортчилар кўплигига гувоҳ бўлдим.

Умид қиламанки, юртингизда бу каби мусобақалар сўнгиси бўлмайди. Бу ерда ҳатто жаҳон чемпионатини ўтказиш учун ҳам барча зарур шароит мавжуд. Мусобақа доирасида 25 ап-



рель кунни Халқаро ҳамкорлик марказида Халқаро велосипедчилар иттифоқи (UCI) томонидан антидопинг семинари ўтказилади. Ушбу семинарда 40 га яқин давлат вакиллари иштирок этади. 26 апрель кунни Тошкент шаҳридаги "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида Осиё велосипед спорти конфедерациясининг навбатдаги конгресси ҳам бўлиб ўтади.

– Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар спортига катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Европа чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси, велосипед спорти бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Ольга Забелинская. – Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиш учун бор куч-гайратимни ишга соламан. Умид қиламанки, чемпионлик ва Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиб, юртимиз шарофини янада юксалтираман.

**Ж. ТОШХҲАЕВ,
О. ЭШМАМатов,
Ў. А. МУХБИРлари**

«Жоним Ватан...»



– Сидқий Хондақлиқий бор-йўғи эллик йил умр кўрди, – дейди Бўстонлик фарзанди, таниқли ёзувчи Асад Асил. – Шоир қисқа умр кўришини гўё аввалдан билгандек, адабиётнинг деярли барча қиррасида шиддат билан қалам тебратди. Ёзган шеърлари, дostonлари, ҳажвий асарларини жамлаб, 1913-1917 йиллар давомида тўққизта китоб нашр қилдиришга муваффақ бўлди. Араб ва форс тилларидан ўнга яқин асарни ўзбекчалаштирди. Таржимачилик бобида Сидқий бағоят улкан мактаб яратган мутаржимдир. Қувонарлиси, бугун бу аждодимиз меросига қизиқиш ортмоқда, Сидқий томонидан ўзбекчалаштирилган дурдона асарларни нашр этиш, илмий тадқиқ қилишга эътибор кучаймоқда. Бундан ташқари, Хондақлиқий моҳир хаттот сифатида адабиётимиз намояндаларининг ўнлаб асарларини қайта-қайта кўчирган, уларни зарҳаллар, чиройли безаклар билан безаган, устозларга бўлган чин ихлос

ва садоқатини амалда исботлаган. Таъкидлаш жоизки, суҳбатдошимиз ижодий фаолиятининг салмоқли қисmini ўз ҳамқишлоғи бўлган улкан ижодкорнинг адабий меросини ўрганишга бағишлаган. Ёзувчининг аллома ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи туркум мақолалари, илмий-маърифий рисоалари чоп этилган. Яқинда адибнинг Сидқий таваллудининг 135 йиллигига бағишлаб "Сирожиҳддин Маҳдум – Сидқий Хондақлиқий" номли маърифий романи нашр этилди. Адабий кеча доирасида мазкур китобнинг ҳам тақдимот маросими ўтказилди.

Ўзига хос назм ва наво кечасига айланган тадбирга Ўзбекистон халқ хофизы Соибжон Ниёзов бошчилигидаги вилоят "Мақом" ансамбли хонандалари алоҳида файз киритдилар. **Ирода МУҲАММАДАЗИЗОВА,** Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими бош мутахассиси Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар

◀◀ Бошланғич 1-бета

Ижтимоий эълон

2019 йил 1 апрель ҳолатига корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

2019 йилнинг январь-март ойида вилоятда 2 минг 942 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 минг 524 тага ёки 131,7 фоизга кўпдир.

Фаолияти тугатилган корхона ва ташкилотларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,4 фоизга камайган ҳамда уларнинг сони 216 тани ташкил этганини кузатиш мумкин.

Бунинг натижасида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 4 минг 326 та (15,3 фоиз) га ўсган ҳамда уларнинг умумий сони 32,5 мингтани ташкил этган.

Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 85,1 фоизни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 14,9 фоизни ташкил этганини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққосланганда 3,0 ф.п. кўпайган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида нисбатан 23,3 фоиз савдо, 19,5 фоиз sanoat, 10,8 фоиз қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 7,5 фоиздан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ва қишлоқ, 3,4 фоиз ташиш ва сақлаш, 1,7 фоиз соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, 1,2 фоиз ахборот ва aloqa ҳамда 25,1 фоиз бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил 1 апрель ҳолатига фаолият

кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 913 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 282 тага ёки 44,7 фоизга ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналардан 502 таси норезидент иштирокидаги қўшма корхоналар, 411 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

2018 йилнинг январь-март ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 84 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 43 тага кўпайган ёки 2,0 баробарга ошган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрайдиган бўлсак, sanoatда 47 та (56,0 фоиз), савдода 17 та (20,2 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 5 та (6,0 фоиз), қишлоқда 4 та (4,8 фоиз), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда ҳамда ташиш ва сақлаш 1 тадан (1,2 фоиз) ҳамда бошқа турларда 8 та (9,5 фоиз)ни ташкил этади.

2019 йил 1 апрель ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 26,9 мингтани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2018 йил 1 апрель ҳолатига қараганда 18,0 фоизга ошган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 26,9 мингта кичик корхона ва микрофирмаларнинг 7 минг 542 таси (28,0 фоиз) – савдо, 6 минг 246 таси (23,2 фоиз) –

sanoat, 3 минг 467 таси (12,9 фоиз) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 2 минг 438 таси (9,1 фоиз) – қурилиш, 2 минг 413 таси (9,0 фоиз) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 1 минг 95 таси (4,1 фоиз) – ташиш ва сақлаш, 442 таси (1,6 фоиз) – соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 364 таси (1,4 фоиз) – ахборот ва aloqa соҳаси, шунингдек, 2 минг 888 таси (10,7 фоиз) – бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва sanoat фаолият турларига тўғри келади.

Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва aloqa фаолият турларига тўғри келади.

2019 йил январь-март ойларида 2,9 мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 1,5 мингтага ёки 118,5 фоизга кўпдир.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида эса энг кўпи савдода (1 минг 186 та), sanoatда (621 та), қишлоқда (269 та) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (259 та) ташкил этилган. Энг кам эса ташиш ва сақлашда (99 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (23 та) ҳамда ахборот ва aloqaда (16 та) ташкил этилган.

Тошкент вилояти статистика бoшқармаси

Реклама ва эълонлар

"LOMBARD PROFIT SERVICE" МЧЖнинг 2018 йилги бухгалтерия баланси

Хизматлар МБнинг 31 октябрь 2015 йилдаги 65-сонли лицензияси асосида лицензияланган
Юридик манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Нукус кўчаси, Миробод деҳқон бозори, 183-сонли дўкон (минг сўмда)

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар			Устав капитали	545000	545000
2	Узок муддатли инвестициялар			Қўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	81750	81750
4	Товар-моддий захиралари			Таксимланмаган фойда	1408256	1231005
5	Дебиторлар	383927	313364	Максалли тушум ва фондлар		
6	Пул маблағлари	158792	177803	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар		
7	Қиска муддатли инвестициялар	2028190	1991310	Узок муддатли мажбуриятлар		
8	Бошқа жорий активлар		4888	Жорий мажбуриятлар	535903	629610
	Жами, активлар	2570909	2487365	Жами, пассив	2570909	2487365

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

	Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
	Махсулот сотишдан тушган соф тушум	1346682	
	Сотилган махсулотлар таннари		
	Махсулот сотишдан тушган ялпи фойдаси	1346682	
	Давр харажатлари, жами:		330581
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	366579	
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами		
	Фонизлар шаклидаги харажатлар		
	Даромад солиғи тўлағунга қалар фойда	1382680	
	Даромад (фойда) солиқ		194251
	Фойдалан бошқа солиқлар ва йнгимлар		
	Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	1188429	

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари шаклидаги "TRANS-AUDIT-A" АО аудиторлик ташиқлоти томонидан аудиторлик текширувдан ўтказилган.

"HAMKOR KREDIT" МЧЖнинг 2018 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	47 898,40	38 372,10	Устав капитали	1 282 698,30	1 282 698,30
2	Узок муддатли инвестициялар			Қўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	145 120,20	192 404,70
4	Товар-моддий захиралари	9 140,50	7 976,40	Таксимланмаган фойда	1 314 734,20	2 158 261,90
5	Дебиторлар	334 883,90	525 885,00	Максалли тушум ва фондлар		
6	Пул маблағлари	28 774,30	71 892,10	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар		
7	Қиска муддатли инвестициялар	2 891 755,00	4 126 285,00	Узок муддатли мажбуриятлар		
8				Жорий мажбуриятлар	569 899,40	1 137 045,70
	Жами, активлар	3 312 452,10	4 770 410,60	Жами, пассив	3 312 452,10	4 770 410,60

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

	Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
	Махсулот сотишдан тушган соф тушум	4 988 725,60	
	Сотилган махсулотлар таннари		
	Махсулот сотишдан тушган ялпи фойда	4 988 725,60	
	Давр харажатлари, жами:		868 466,90
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	914 260,10	
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	5 034 518,80	
	Фонизлар шаклидаги харажатлар		220 650,00
	Даромад солиғи тўлағунга қалар фойда	4 813 868,80	
	Даромад (фойда) солиқ		675 692,20
	Фойдалан бошқа солиқлар ва йнгимлар		
	Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	4 138 176,60	

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари МЧЖ шаклидаги "TRANS-AUDIT-A" аудиторлик ташиқлоти томонидан аудиторлик текширувдан ўтказилган.

"KRISTAL KREDIT" МЧЖнинг 2018 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	15 567,65	17 671,00	Устав капитали	1 330 000,00	1 330 000,00
2	Товар-моддий захиралари	1 066,75	2 575,00	Қўшилган капитал	0,00	0,00
3	Келгуси давр харажатлари	2 454,74	2 520,00	Резерв капитал	200 259,24	199 500,00
4	Дебиторлар	324 609,31	569 709,00	Таксимланмаган фойда	722 107,74	705 505,00
5	Пул маблағлари	62 160,42	6 223,00	Максалли тушум ва фондлар	0,00	0,00
6	Қиска муддатли инвестициялар	2 234 890,00	2 892 420,00	Жорий мажбуриятлар	388 381,89	1 256 113,00
	Жами, активлар	2 640 748,87	3 491 118,00	Жами, пассив	2 640 748,87	3 491 118,00

"KRISTAL KREDIT" МЧЖнинг 2018 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

	Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
	Махсулот сотишдан тушган соф тушум	3 064 608	
	Сотилган махсулотлар таннари		0
	Махсулот сотишдан тушган ялпи фойда	3 064 608	
	Давр харажатлари, жами:		602 221
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	859 800	
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	3 322 187	
	Фонизлар шаклидаги харажатлар		60 000
	Даромад солиғи тўлағунга қалар фойда	3 262 188	
	Даромад (фойда) солиқ		458 174
	Фойдалан бошқа солиқлар ва йнгимлар		0
	Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	2 804 014	

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, ООО "TRANS-AUDIT-A" аудиторлик ташиқлоти томонидан аудиторлик текширувдан ўтказилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Халқ депутатлари вилоят Кенгаши вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибоевага волидаи муҳтарамаси

ҲАДИЧА аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 24 апрель кунни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиб, момақалдирик бўлиши мумкин. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги

секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 7-12, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдирик бўлиши мумкин. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ва кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 1 май кунни чиқади.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИ САЙЛАШ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

Ишчи гуруҳ раиси:




фуқаролар вакиллари раисининг йиғилишини очади ва олиб боради.
Кун тартибига қуйидаги масалаларни киритади ва тасдиқлаб олади:

- санок комиссиясини сайлаш;
- фуқаролар йиғини раисини сайлаш.

Йиғилишнинг иш регламентини (номзодларнинг маърузалари, уларнинг муҳокамаси, саволлар ва жавоблар учун вақт) тасдиқлаб олади.
Шу жумладан, 3 — 5 нафардан иборат қуйидаги таркибда раёсат аъзоларини тасдиқлаб олади:

- ишчи гуруҳ раиси;
- туман (шаҳар) кўмаклашувчи комиссия аъзоси;
- 1 — 3 нафар фуқароларнинг вакиллари.

Ишчи гуруҳ аъзолари орасидан йиғилиш котибини тасдиқлаб олади.



Овоз бериш яқунларини санаб чиқиш учун 5 — 11 нафардан иборат таркибда санок комиссиясини сайлаш тавсия этилади.



Санок комиссияси аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, комиссия раисини аниқлаб олади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг маърузаси алифбо тартибда ўтказилиб, номзодлар ўзининг келгуси фаолияти дастурини эълон қилади ҳамда улар билан савол-жавоб амалга оширилади.

Бюллетенлар санок комиссияси томонидан кўчалар бўйича тузилган алоҳида рўйхат асосида бевосита овоз беришдан олдин берилади.



Овоз берувчи яширин овоз бериш кабинасида ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси қаршисида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+», «✓» ёки «x» белгиларидан бирини қўяди ва бюллетенни муҳрланган махсус қутига ташлайди.



Сайлов қутиси овоз бериш тугаллангани эълон қилинганидан сўнг санок комиссияси томонидан сайловчилар олдида очилади, овозларни санаб чиқиш жараёни барча сайловчилар олдида сайлов натижалари аниқланмагунга қадар танлафуссиз давом эттирилади.



Санок комиссияси томонидан ҳар бир номзод бўйича овозлар сони, бузилган бюллетенлар сони кўрсатилган икки нусхада баённома тузилиб, имзоланади ҳамда санок комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар вакиллари раисининг йиғилиши томонидан тасдиқланади.



Фуқаролар йиғини раиси сайланганлиги бўйича фуқаролар вакиллари раисининг йиғилиши қарори раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Янги сайланган раис табрикланади ва раёсатга таклиф этилади.



Йиғилиш сўнгига раислик қилувчи Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги Қонунининг 30-моддасига мувофиқ, бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгашини шакллантириш, фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ва тафтиш комиссиясини сайлаш бўйича вакиллар йиғилишини ўтказиш кунини овозга қўйиш орқали белгилаб олиб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

Сайловдан камида 5 кун олдин:

фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ҳақидаги ахборот фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўйилади.

Сайловдан камида 3 кун олдин:


ҳовлилар, уйлар, кўчалардан сайланган фуқаролар вакиллари раисининг рўйхати сайлов ўтказиладиган бинога осиб қўйилади.

Сайловдан камида 1 кун олдин:

фуқаролар вакиллари раисининг йиғилиши ўтказиладиган жойда 8 — 12 та овоз бериш кабиналари ҳамда сайлов қутиси ўрнатилади.


Тасдиқланган намуна асосида алифбо тартибда номзодларнинг расми, фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили киритилган ҳар бир бюллетеннинг орқа томонида ишчи гуруҳи раиси ва туман (шаҳар) кўмаклашувчи комиссияси аъзосининг имзоси ҳамда фуқаролар йиғинининг муҳри қўйилади.

Ҳовлилар, уйлар, кўчалардан сайланган фуқароларнинг вакилларига сайлов ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида хабар (таклифнома) берилади.



Сайлов кун:

сайлов ўтказиладиган бинода хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда тез тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш чоралари кўрилади.



Баённомада фуқаролар вакиллари раисининг жами сони, иштирок этган фуқаролар вакиллари раисининг сони ҳамда овоз беришда қатнашган фуқаролар вакиллари раисининг сони алоҳида кўрсатилади.

Шунингдек, баённомада ҳар бир номзодга берилган овозлар сони, бузилган бюллетенлар сони кўрсатилади.

www.mahallakengashi.uz / www.mahalladosh.uz

Батафсил маълумот:

@mahallakengashi.uz

mahalla.maslahatchisi

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтининг
чоршанба ва шанба
кунлари чиқади.

Электрон
почталар:
thaqiqat@gmail.uz
th-tp@inbox.ru

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари: 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)

Масъул котиб: 71 233-70-10

Бўлим муҳаррирлари: 71 233-90-82

Шартнома ва эълонлар: 71 233-38-23, 71 233-48-08

Ҳисоб-китоб бўлими: 71 233-65-59

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)

71 233-70-10

71 233-90-82

71 233-38-23, 71 233-48-08

71 233-65-59

71 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терили ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусоҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи
Жавлон ҲАДИЛОВ

Манзилми: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3338. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2. 7 680 нусхада чоп этилди

ISSN 2010-9318.

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.20.